

БЕРДАҚ атындағы ҚАРАҚАЛПАҚ
МӘМЛЕКЕТЛИК УНИВЕРСИТЕТИНИҢ


ХАБАРШЫСЫ

БЕРДАҚ номидаги ҚОРАҚАЛПОҚ
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ

АХБОРТОТНОМАСИ

ВЕСТНИК

КАРАКАЛПАСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА им. БЕРДАХА



2

НӨКІС 2020 НУКУС

**БЕРДАҚ атындағы ҚАРАҚАЛПАҚ МӘМЛЕКЕТЛИК
УНИВЕРСИТЕТИНИҢ**

ХАБАРШЫСЫ

**БЕРДАҚ номидаги ҚОРАҚАЛПОҚ
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ**

АХБОРТОТНОМАСИ

ВЕСТНИК

**КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА им. БЕРДАХА**

№ 2 (47)

2020

Каракалпакский госуниверситет им. Бердаха

Учредитель и издатель: Каракалпакский государственный университет им. Бердаха

Главный редактор: доктор технических наук РЕЙМОВ А. М.

Заместитель главного редактора: доктор географических наук ТУРДЫМАМБЕТОВ И.Р.

Ответственный редактор журнала: ТУРСЫНМУРАТОВ М.

Редакционная коллегия:

АБДИНАЗИМОВ Ш. – проф., доктор филологических наук, АБДУЛЛАЕВА М.Н. – доктор философских наук, АЛЕУОВ У. – проф., доктор педагогических наук, АМЕТОВ Я. – доц., доктор биологических наук, АСЕНОВ Г. – проф., доктор биологических наук, БАЙМАНОВ К. – проф., доктор технических наук, БАЛЛИЕВА Р. – доктор исторических наук, БАБАДЖАНОВ Ф. – доц., кандидат филологических наук, БЕРДИМУРАТОВА А. – проф., доктор философских наук, ЕРКИБАЕВА Г.Г.– доктор педагогических наук, ЖАРИМБЕТОВ К. – проф., доктор филологических наук, ЖОЛЛЫБЕКОВ Б. – проф., доктор географических наук, ЖУМАНОВ М.А. –проф., доктор биологических наук, ИБРАГИМОВ М.Ю. – доктор сельскохозяйственных наук, ИСМАЙЛОВ К.А. – проф., доктор физико-математических наук, КОЩАНОВ Б. – проф., доктор исторических наук, КУДАЙБЕРГЕНОВ К.К. – проф., доктор физико-математических наук, КУДАЙБЕРГЕНОВ М.С. – проф. доктор филологических наук, КУТЫБАЕВА Е. – проф., доктор юридических наук, КАЙЫПБЕРГЕНОВ Б.Т. –доктор технических наук, МАМБЕТУЛЛАЕВА С.М. – проф., доктор биологических наук, МАМБЕТНАЗАРОВ Б.С. – проф., доктор сельскохозяйственных наук, МАТКУРБАНОВ Р. – доктор юридических наук, МАТЧАНОВ А.Т. – проф., доктор биологических наук, МУМИНОВ Ф.А. – проф., доктор филологических наук, РЕЙМОВА.З.А. – проф., доктор юридических наук, РУЗИЕВ Э. – проф., доктор педагогических наук, ТАГАЕВ М.Б. – проф., доктор технических наук, ТИЛЕУМУРАТОВ Г. – доц., кандидат филологических наук, УБАЙДУЛЛАЕВ Х. – проф., доктор экономических наук, УТЕБАЕВ Д. – доц. доктор физико-математических наук, УТЕУЛИЕВ Н.У. – проф., доктор физико-математических наук, УРАЗЫМБЕТОВ К.К. – проф., доктор филологических наук, УМАРОВА К. - доктор юридических наук, ХВАН Л.Б. – проф., кандидат педагогических наук, ХОЖАНИЯЗОВ Г.Х. – кандидат исторических наук, ХИКМАТОВ Ф. – проф., доктор географических наук.

Журнал издается с 2008 года

Выходит 4 раза в год на каракалпакском, узбекском, русском и английском языках

Адрес редакции: 230100, г. Нукус, ул. Ч. Абдирова, 1.

Телефон: 223-60-19

E-mail: vestnik@karsu.uz

Редактор: Машарипова Т. Ж.

Корректор: Кайыпова Ф.Ж.

Компьютерная верстка: Сейдабуллаева Ф.

«Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха» Постановлениями Президиума ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан (20.03.2015 г., №214/2; 18. 11.2015 г., №218/5; 22.12.2015 г., №219/5;23.12.2016 г., №232/5; 29.12.2016 г., №233/4; 29.03.2017 г., №239/5; 29.08.2017 г., №241/8; 28.12.2017 г., №247/6) включен в перечень научных изданий, рекомендованных Высшей аттестационной комиссией Республики Узбекистан, для публикации основных научных результатов докторских диссертаций по научным направлениям История, Философия, Филология, Юристика, Педагогика, Психология, Экономика, Политология, Исламоведение.

Сдано в набор 03. 06. 2020. Подписано к печати 20. 06. 2020. Формат бумаги 60x84 1/8. Печать офсетная. Бум. л. 27,5. Уч.-изд. л. 20. Тираж 300. Цена договорная.

Каракалпакский государственный университет им. Бердаха. г.Нукус, ул. Ч. Абдирова,1 Журнал зарегистрирован Каракалпакским агентством печати и информации. Регистрационный номер №01-051 от 31 октября 2008 г.

Отпечатано в ООО «GOLDEN PRINT NUKUS». г. Нукус, ул. Н. Сараева 1.

© Вестник Каракалпакского государственного университета им.Бердаха

Founder and publisher: Karakalpak State University named after Berdakh
Editor in Chief: Doctor of Technical Sciences REYMOV A. M.
Deputy Editor-in-Chief: Doctor of Geographical Sciences TURDYMAMBETOV I.R.
Responsible editor of the periodical: TURSYNMURATOV M.

Editorial team:

ABDINAZIMOV Sh. – Prof., Doctor of Philology, ABDULLAEVA M.N. – Doctor of Philosophy, ALEUOV U. – Prof., Doctor of Pedagogical Sciences, AMETOV I. - Associate Professor, Doctor of Biological Sciences, ASENOV G. – Prof., Doctor of Biological Sciences, BAYMANOV K. - Prof., Doctor of Technical Sciences, BALLIEVA R. – Doctor of Historical Sciences, BABAJANOV F. – Docent, PhD of Philological Sciences, BERDIMURATOV A. – Prof., Doctor of Philosophy, ERKIBAEVA G. G. – Doctor of Pedagogical Sciences, ZHARIMBETOV K. – Prof., Doctor of Philology, ZHOLLYBEKOV B.–Prof., Doctor of Geography, ZHUMANOV M.A. –Prof., Doctor of Biological Sciences, IBRAHIMOV M.YU. – Doctor of Agricultural Sciences, ISMAYLOV K.A. – prof., Doctor of physical and mathematical sciences, KOSCHANOV B. – prof., Doctor of historical sciences, KUDAYBERGENOV KK – Prof., Doctor of Physical and Mathematical Sciences, KUDAYBERGENOV M.S. – prof. Doctor of Philology, KUTYBAEVA E. – Prof., Doctor of Law, KAYPBERGENOV B.T. – Doctor of Technical Sciences, MAMBETULAEVA S.M. – Prof., Doctor of Biological Sciences, MAMBETNAZAROV B.S. – Prof., Doctor of Agricultural Sciences, MATKURBANOV R. – Doctor of Law, MATCHANOV A.T. – Prof., Doctor of Biological Sciences, MUMINOV F.A. – prof., Doctor of philological sciences, REIMOVA.Z.A. - Prof., Doctor of Law, RUZIEV E. – prof., Doctor of pedagogical sciences, TAGAYEV M.B. – prof., Doctor of technical sciences, TILEUMURATOV G. - Assoc., Candidate of Philological Sciences, UBAYDULLAYEV H. – prof., Doctor of economics, UTEBAEV D. - Assoc. Doctor of Physical and Mathematical Sciences, UTEULIEV N.U. – prof., Doctor of physical and mathematical sciences, URAZYMBETOV K.K. – Prof., Doctor of Philology, UMAROVA K. – Doctor of Law, KHAMIDOV Kh. – Academician, Doctor of Philology, KhVAN L.B. – prof., PhD of pedagogical sciences, HOZHANIYAZOV G. – PhD of historical sciences, KhIKMATOV F.– prof., Doctor of geographical sciences.

Periodical has been published since 2008

Issued 4 times a year in Karakalpak, Uzbek, Russian and English

Editorial address: 230100, Nukus, st. Ch. Abdirov, 1.

Phone: 223-60-19

E-mail: vestnik@karsu.uz

Editor: Masharipova T. Zh.

Proofreader: Kayipova F.Zh.

Computer layout: F. Seydabullaeva

"The Herald of Karakalpak State University named after Berdakh" is included in a list of scientific publications recommended by the Higher Attestation Commission under the Cabinet of the Minister of the Republic of Uzbekistan for the publication of the main scientific results of doctoral dissertations in scientific areas History, Philosophy, Philology, Law, Pedagogy, Psychology, Economy, Political Sciense, Islamic Studies, by decrees of the Presidium of the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan (20.03.2015 г., №214/2; 18. 11.2015 г., №218/5; 22.12.2015 г., №219/5; 23.12.2016 г., №232/5; 29.12.2016 г., №233/4; 29.03.2017 г., №239/5; 29.08.2017 г., №241/8; 28.12.2017 г., №247/6).

Delivered to the set 03. 06. 2020. Signed for printing 20. 06. 2020. Paper size 60x84 1/8. Offset printing. Paper sheet 27.5. Edu.pub. sheet 20. Circulation 300. Price is negotiable.

Karakalpak State University. Berdah Nukus, st. Ch. Abdirova, 1

The periodical is registered by the Karakalpak Press and Information Agency.

Registration number №01-051 from October 31, 2008

Printed by «GOLDEN PRINT NUKUS» Ltd. Nukus, st. N. Sarayeva 1

© Herald of Karakalpak State University named after Berdakh

«ерларни муҳофаза қилиш» тушунчаларининг аҳамияти катта бўлиб мазкур тушунчаларнинг ўзаро хуқукий чегараларини аниқлаш мухим хисобланади.

Ерлардан фойдаланишга оид нормалар Ер кодексида турли хил моддаларида (200 тадан ортик қўйланилган) тарқоқ холда бўлиб ерлардан фойдаланиш тушунчасига аниқ таъриф келтирилмаган. Эътиборлиси шундаки ерлардан фойдаланиш тушунчасининг хуқукий чегараларини аниқламай туриб ерларни муҳофаза қилиш тушунчаси қандай таърифлашимиздан қатъий назар мавхум ва баҳсли бўлиб қолаверади.

Ер кодекси моддаларининг тахлили асосида ерлардан фойдаланиш тушунчасини ер участкасининг фойдали хусусиятларидан фойдаланиш ёки ердан моддий ва бошқа манфаатларни қондириш учун турли хил усулларда фойда олишни тушуниш мумкин. Ердан фойдаланиш хуқуки маълум органларнинг ерни бериш тўғрисидаги акти ва ва ер участкасини натурада жойнинг ўзида ўлчовлар асосида (тегишли хужжатлар тўпллангандан кейин) бериш билан бошланади ва ердан фойдаланишнинг тугатилиши ҳам қонунда кўрсатилган маълум процессуал харакатлар асосида амалга оширилади. Муайян хуқукий процессуал муносабатлар ердан фойдаланишини назорат қилиш жараённида ҳам вужудга келиб, назорат органлари ва ердан фойдаланаётган субъектлар ўртасидаги муносабатлар ҳам қонунда кўрсатилган тегишли процессуал нормаларсиз вужудга келиши мумкин эмас.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки ерлардан фойдаланиш ва ерларни муҳофаза қилиш ер назоратини амалга оширишнинг асосий элементларидан хисобланиб мазкур тушунчаларга аниқлик киритилиши эса назорат жараёнининг самарали ташкил этилишига олиб келади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига 1-Илова “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш” КОНЦЕПЦИЯСИ. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонига Шарх. «Халқ сўзи» газетаси 2017 йил 8 февраль 28 (6722)-сон.
3. Холмўминов Ж.Т. Экологик таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш хуқукий муаммоларининг илмий-назарий тахлили. Монография. Тошкент: ТДЮУ, 2016. 89 б.
4. Қаранг: Ерофеев Б.В. Земельное право. Учебник для вузов. – М.: ООО «Профобразование», 2001. – 312 с.
5. Ер хуқуки: Дарслик / Й.О.Жўраев, М.Х.Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида., ТДЮИ, 2002. – 86 б.
6. Абраимов Б.Ж., Боголюбов С.А. Земельное право России и Казахстана: проблемы развития, процессуальные формы реализации. – М.: Юрист, 2007. – С. - 278.

*Давлат ер назоратини амалга ошириши тушунчаси ва унинг сиёсий-хуқукий масалалари
Садиков Ҳ.Ю.*

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети «Фуқаролик жасамияти ва ҳуқуқ таълими» кафедраси
каптта ўқитувечиси;*

Резюме: Мазкур мақолада мамлакатда амалга оширилаётган суд-хуқуқ ислоҳотлари натижасида давлат бошқаруви шу билан бирга ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини бошқаришнинг демократлашув жараёнлари ёритилиши билан бир каторда амалдаги қонунчилик ва етакчи олимларнинг фикрлари асосида ер назорати тушунчаси ва унинг сиёсий-хуқукий хусусиятлари тўғрисида асосли таклифлар берилади.

Таянч иборалар: Назорат, давлат назорати, давлат ер назорати, ерлардан фойдаланиш, ерларни муҳофаза, ер процесси, давлат ер назоратининг процессуал аҳамияти.

*Концепция государственного земельного контроля и ее политические и правовые проблемы
Садиков Ҳ.Ю.*

Старший преподаватель кафедры гражданского общества и юридического образования Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека;

Резюме: В этой статье размышляя, о процессе вопросах государственного земельного контроля как значительного института земельного права, раскрывается понятие земельного контроля и его политическо-правовые особенности.

Ключевые слова: Контроль, государственный контроль, государственный земельный контроль, использование земель, земельный процесс, процессуальные особенности государственного земельного контроля.

Rezume: In this article is being considered the issues of agrarian control which is major institute of land law, brought to light the concepts of land control and its procedural features.

Key words: commodity, delivery contract, discharge of obligations, civil and legal liability, market economy, civil and legal contract.

“КАШФ УЛ МАҲЖУБ”ДА ҲАКИМ АТ ТЕРМИЗИЙ ВА “ҲАКИМИЙЛИК” ТАРИҚАТИ ҲАҚИДА

Нарзиев З.

Бухора давлат университети

Мустакилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб буюк алломалар меросини тиклаш, уларнинг асарларини кидириб топиш, нашр этиш долзарб вазифалардан бирига айланди. Улар қолдирган бой маънавий-маданий меросни тиклаш, келажак авлодга тўла мукаммал тарзда етказишишлари жадал суратларда ривожланди. Айниска, машхур валийлар, авлиё-анбиёларнинг маънавий меросларини ўрганиш, уларнинг ахлоқ одоб, таълим-тарбиявий фояларини ўрганишга катта ёътибор қаратилди.

Шу жиҳатдан Ином Бухорий, Ҳаким ат Термизий, Ином Мотуридий, Маҳмуд аз Замахшарий, Абдухолик Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа юзлаб буюк пирларнинг илмий, маънавий мерослари қайта

тикланди. Муборак жойлари қайта таъмирланиб обод зиёратгоҳларга айлантирилди. Бу савобли ишларнинг барчаси Президентимизнинг олиб бораётган одилона сиёсатларининг амалий намунасиdir.

Тарихдан маълумки, IX аср бошларида Бағдод, Басра, Балх, Нишопур, Термиз, Бухоро шаҳарлари тасаввуф ва тариқат марказлари сифатида мухим ўрин тутган. Мазкур шаҳарларда тасаввуфнинг илк тариқатлари вужудга келиб, улар томонидан илгари сурилган ғоя ва карашлар ўрта асрларда жамият маънавий-ахлоқий, мағкуравий, маданий ривожланишига кучли таъсир кўрсатган. Шундай тариқатлардан биро буюк ватандошимиз, мутасаввиф ва муҳаддис Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизий томонидан асосланган “Ҳакимиyлиқ” тариқатидир.

Манбаларда келтирилишича, илк сўфиyлик тариқатлари ҳакидаги ишонарли маълумотлар, уларнинг концепциялари, тариқат асосчиларининг номлари Али ибн Усмон Жуллобий Ҳужвирийнинг “Кашф ул-маҳжуб” асарида илк бора тадқиқ ва таснif этилгани дикқатга сазовордир. Ҳужвирий тахминан XI аср бошларда Ҳурсоннинг маданий жиҳатдан ривожланган шаҳри Фазнада туғилган. Унинг вафоти хижрий 465(милодий 1072-1073) йилга тўғри келади.[5:14]

Ҳужвирий илк давр тасаввуф тариқатларини ўн иккита [5:170-259] деб эътироф этиб, уларнинг ўнтасини маъкуллаган(мақбул) ва иккитасини рад(мардуд) қилган ва мазкур тариқатларининг асосий концепцияларини ёритиб берган.

Машхур сўфиyлар ва мутасаввиflар томонидан асос солинган тариқатлар, уларнинг атрофида вужудга келган дастлабки тасаввуф мактаблари, тариқатлари ўзининг илгари сурган ғоя ва карашлари билан бири-биридан ажралиб, фарқ қилган. “Кашф ул маҳжуб”да буюк ватандошимиз Ҳаким ат-Термизий томонидан асос солинган “Ҳакимиyлиқ” тариқати еттинчи мақбул тариқат сифатида эътироф этилган ва Ҳаким Термизийнинг ҳаёти ҳакида муфассал, аниқ ва ишончли маълумот берилган нодир манбалардан биро бўлиб ҳисобланади. Термизийнинг ўз асарлари ва бошқа манбалардан у кишининг ҳаёт йўли ҳакида баъзи тасаввурларга эга бўламиз. Хусусан, унинг “Будувв-уш-шашни Абу Абдуллоҳ Мұхаммад Ибн Али ал-Ҳаким Термизий” номли кичик бир рисоласи оркали муаллиф ҳаёти, жумладан, отасидан илм ўрганганлиги, ёшлиқ чоғида Куфа ва Басра оркали Маккага сафар қилганлиги, Куфада ҳадис таълимими олганлиги, Термизига қайтаётib, йўлда Куръони Каримни ёдлаганлиги ҳакидаги маълумотта эга бўлиш мумкин. Лекин бу рисоладаги дикқатга молик асосий масала илҳомнинг турлари, унга туш ва бедорлиқда зоҳир бўлган рўёлар тасвиридир”[6:14]. Илмий ва эътиборли тасаввуфий манбаларда бу олим ва ориф зотнинг номи хурмат билан тилга олинади. Жумладан, Абу Абдураҳмон Сулламий (ваф. 1021) “Табакотус-суфия”да у кишидан бир канча ҳикматли ва маърифатга оид сўзлар нақл қилса,[4:217-220] Фаридиддин Аттор (1148/51-1219/21) “Тазкиратул-авлиё”да Ҳаким Термизийни: “шариат ва тариқатда мужтаҳид”, “ҳадис, ривоят ва хабар бобида ишончли зот”, “риёзат ва қаромоти кўп”, “хулқи улуг” каби сифатлар билан эслаб, “бағоят ҳикмат соҳиби” бўлганлигидан “ҳакимул-авлиё” (валийлар ҳакими) деб аталганига диккатни қаралди. [10:514-523]. Алишер Навоий ҳам “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида ёзади: “Мұхаммад бин Ҳаким Термизий каддасалло руҳаҳу иккинчи табакадинур. Куняти Абу Абдуллоҳдур-улуғ машойихларданур. У Абу Туроб Нахшабий, Аҳмад Хизравайх ва ибн Жалоллар билан сұхбат қилган, кўп ҳикматли сўзлари, зоҳир қароматлари ва машхур асарлари бор. Жумладан, “Хатм ул-валоят”, “Наҳаж”, “Наводирул усул” ва бошкalar. Зоҳир илмида ҳам асарлари бор. Бир тафсир ёзишга киришган, лекин тугатишга умри вафо қilmaganchi. Унинг шогирди Абу Бақр Варроқ Ҳаким Термизий ҳар якшанба Хизр алайҳиссалом билан мулокот қилиб турганини ривоят қилган.[7:84] Ҳужвирий “Кашф ул маҳжуб” асарининг икки бобида(11,14) Ҳаким ат-Термизий ҳакида мухим ва кимматли маълумотларни қайд этган. Айниқса, асарнинг “Тобеъинларга оид сўнгги даврларда яшаган имомлар” ўн биринчи бобида 64 та имом ва тасаввуф шайхларининг тасаввуфга кўшган ҳиссаси тўғрисида сўз юритиб, Термизий тўғрисида жуда қимматли тавсифларни берган. Кейинчалик “Кашф ул маҳжуб”нинг ўн тўртинчи бобида Ҳаким ат-Термизий томонидан асос солинган “Ҳакимия” тариқати ва унинг ғоявий-назарий жиҳатларини батағсил баён қилган. Юқорида айтилганидек, мутасаввиf ҳар бир тариқатга шарҳ бериб, уларга алоҳида тўхталиб ўтган. Масалан, мазкур асарнинг 14-бобида “Ҳакимия” тариқати ҳакида сўз очиб ва Ҳакимиyлиқ Абу Абдуллоҳ бинни Али ал-Ҳаким ат-Термизий номи билан валийлик киладилар деб таъкидлаб, “тасаввуф ва маърифатнинг асос ва қоидаси валоят ва унинг исботидур ва барча шайхлар шунга келишганлар, аммо Мұхаммад бин Али бу соҳада маҳсус ва барчаларидан афзал ва устундир”[2:265] - деб фикр билдиради. Бундан кўринадики, авлиёлик даражаси сўфиyларнинг охирги мақсади бўлиб, бу таълимот қадимдан тасаввуфда мавжуд бўлган ва Ҳаким ат-Термизий эса уни тараққий топтириб, янги қонун-қоидалар билан тўлдириб, силсилавий тариқат даражасига кўтарган. Авлиёлик даражасини барча сўфиyлар ва мутасавviflar эътироф этган бўлсаларда, Термизий авлиёликни асл моҳиятини исботлаб, унга шак келтиришни ножоиз деб топган. Иккинчидан, у авлиёларни барча оммадан фарқ қиладиган, эъжоз ва уруж даражасига етишган ва аллоҳ таолонинг яқин кишиларидан бўлган зотлар деб ҳисоблаган. Учинчидан, Термизий авлиёларнинг қаромати ва хушнафас инсон эканликларини қатъийлик билан исботлаган. Тўртинчидан, у киши авлиёлар қароматини сахв (хушёrlик) ҳолати деб билиб, сукр (мастлик) ни ундан рад этган.

Бу тариқат Ҳаққа эришиш йўлини излаш билан бирга Ҳакнинг яқинида турувчи авлиёлар зоти билан иш юритган ва инсоннинг олий мақоматга эришиш мақсадини шу мансаб ва мақсадда кўрган. Яъни Ҳаққа интилиш ва авлиё бўлиб қароматлар кўrsатиб, халқ хурматини қозониш валийлик таълимотининг илк моҳиятини ташкил этган. Бу тасаввуф тарихида маҳсус таълимот бўлиб, шайхларнинг худо йўлига сукр (мастлик) га абадул абад берилиб, риёзат чекишини эмас, авлиёлик макомини эгаллашта тарғиб этган. Валийлик шайхлик учун тасаввуфий зиналарни босиб ўтишини буюради ва унинг охирги даражасини авлиёлик деб билади. Бундан маълум бўладики, ҳакимиyлиқ тариқати бўйича илоҳийлик омили билан

бирга факат авлиёлик энг олий уруж ҳисобланади. Шу боис ҳакпаратлик, аллох номи билан яшаш, ҳаққа интилиш, пархез килиш, нафсни тийиш ҳакимийлик тариқатига ҳам хос омиллар бўлган. Чунончи, Ҳаким ат-Термизий валийлик ғояси асосида мазкур йўлларни эътироф этган ва илдамлик билан қадам қўйган. Ҳужвирий Термизийни ўз даврининг имомларидан бири сифатида таъкидлаб, зоҳирий ва ботиний илмлар бобида қўплаб асарлар ёзганини қайд этган. Ва яна Ҳужвирий Термизий шахсига нисбатан қалом ва услубининг қоидаларида қароматли бўлганлигини, ўзи ҳам қароматнинг борлиги ҳакида сўзлаганини, авлиёлик даражалари ва унинг тартиб-қоидаларига риоя қилишилка ажойиботга бой алоҳида бир денгизга ўхшашини қайд этади. Жумладан, Ҳужвирий “Ҳакимиylар ўзларини Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Али Ҳаким ат-Термизийга (Аллоҳ ундан рози бўлсин) боғлайдилар. У барча зоҳирий ва ботиний илмларда вактнинг имомларидан эди. Унинг таснифоти ва нукталари бисёрдир. Унинг гапларининг қоидаси ва тутган йўли валийлика эди. Валийлик ҳақиқати тўғрисида, валийларнинг даражалари, улар риоя киладиган тартиблар ҳакида сўзлаганлардандир. Унинг ўзи алоҳида бир чексиз уммондирки, кўпдан кўп ажойиботлари бордир” -дея фикр билдирган. Мутасаввиф Ҳакимийлик тариқати ҳакида фикр юритар экан, “мазҳабининг (яъни Ҳакимиянинг) пайдо бўлишининг боиси шуки, Аллоҳ таолонинг ўзи валийликни яратган ва ул зотларни (яъни авлиёларни) ҳалқ орасидан танлаб олган. Уларнинг баланд ҳимматликлари боис, барча тобеликлардан ҳалос қилган. Унинг (Аллоҳ таоло) иродаси билан улардаги нафсу ҳаво кўтарилиган. Шунингдек, ҳар бир авлиёга даражана мақом берган. Ва бу борадаги маънилар эшигини уларга очиб берган”-деб уқтирган. Шу билан бирга Ҳужвирий валийлик ҳакида ўзининг фикрларини ҳам билдириб ўтган. Ҳужвирийга кўра валий инсон валийлик сифатини ўзида сингдирган ва илми қол соҳиби бўлмай, хол илми илми яъни маърифатли бўлиши лозим. “Кашф ул маҳжуబ”да мутасаввиф валийликка қуидагича, “бас, билгинки, валий исми валийлик маъносини ўзида мужассам қилган кишига раводирки, унда бу қол эмас ҳол бўлсин. Валийлик борасида менинг муродим шудир” – деб фикр юритган.

Ҳужвирий ўз асарида Термизийга юксак баҳо бериб, у зотнинг кўплаб асарлар ёзганини қайд этиб, “Хатм ул валоят”, “Китоб ан наҳд”, “Наводир ул усул”, “Китоб ат тавҳид”, “Тарих-ул машойих” ва “Китоб азоб ал қабр” каби асарлар буюк ватандошимизнинг қаламига мансуб эканлигини таъкидлайди. Мутасаввиф “Кашф ул маҳжуబ” асарининг йигирма учинчи бобида ҳам ўзининг ахлоқий қарашларини илгари суришдан олдин Термизийнинг “Адаб ул муридин” (Муридлар учун одоб китоби)ни тилга олади. Ҳужвирийнинг тасаввуфий-ирфоний, ижтимоий-ахлоқий қарашларининг шаклланишида Термизий таълимотининг таъсири бор. Фикримизнинг далиллари сифатида мутасаввифнинг қуидаги мулоҳазаларини келтириш ўринлидир. Ҳаким ат-Термизий ҳакида Ҳужвирий “У илм соҳаларида комил ва пешкадам эди. Машойихларнинг муҳташами эди. Унинг кўп таснифоти бордир. Яхши ишлари ва қароматлари машхурдир. “Хатмул валоят”, “Китобун нахж” ва “Наводирул усул” каби ҳар соҳани баён қилувчи ва булардан бошқа яна кўп китоблар ёзган. Менинг наздимда жуда мўътабардир ва қалбим унга асир бўлгандир” ва яна мутасаввиф “Мени шайхим айттардик, “Мұхаммад бир дурри ятимдирки, бутун оламда унинг тенги топилмас”. [5:140] У тасаввуфга валий тушунчасини кириди деб таъриф беради. Валий инсон хислатлари, валийлик макоми, даражалари устида ватандошимиз Ҳаким ат-Термизий чукур назарий таддикот олиб борган. Унинг фикрича, ҳақиқатга етишишликда илм ва аклдан бошқа яна бир учинчи – илоҳий нарса – валийлик ҳам бор.[9:35] Ҳаким ат-Термизийнинг “Хатм ул-авлие”[9:64] асари валоят ва авлиёлик масалаларига бағишлиланган илк муҳтасар асар бўлиб, тасаввуф тарихида биринчи марта авлиёлик даражалари, хатм ул-анбиё ва хатм ул-авлие мавзулари таҳлил этилган.

Авалиёликка хос қароматлар ҳакимийлик тариқатининг маҳсус аломати бўлиб ва бу ҳалқа валийликка оид ҳусусияти билан бошқа оқимлар орасида алоҳида ўрин тутиб, кейин ўзига хос анъана яратди. Сўз орасида шуни ҳам айтиш керакки, ал-Жуллобий ал-Ҳаким ат-Термизий номи билан боғлиқ ҳакимийлик тариқати ҳусусида фикр билдирганда, бу оқимнинг валоятлик мазҳаби асосида шаклланган авлиёлик ва анбиёлик тушунчаларининг маъносини тез-тез шарҳлаб, керакми ёки йўқми бу ҳақда ўзининг хulosасини айтиб ўтади. Бунинг бош сабаби, биринчидан, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг авлиёликка оид таълимотининг баёноти бўлган бўлсада, иккинчидан, у кишининг авлиё ва анбиёларни киёслагани ва бу асосда уларнинг бир-биридан устун бўлганлиги ва ёхуд тенг эканликлари ҳакида берган маълумоти эди. Биз биламизки, ал-Ҳаким ат-Термизий бир ўринда авлиё зотини пайғамбар даражасига тенглashingтириб қўйган эди ва бу фикр унинг даврида норозиликлар ва каттиқ эътиrozга сабаб бўлди. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаби бор эди. ал-Ҳаким ат-Термизий авлиёликка эришиб, авлиёлик мансабини забт этган улуғ шайх эди. Шу боис у валоятлик оқимининг юксак чўққиларига кўтарилиб, уни сўфиийликнинг муҳим бир силсиласига айлантириди. Бинобарин табаррук қароматлар соҳиби бўлган улуғ авлиё анбиёлик макомати учун даъвогар бўлди ва ўз қароматларини мўъжиза даражасига олиб чиқиб ўзларини набилар қаторида кўрди. Бу муддао ал-Ҳаким ат-Термизийнинг олимона муҳокамаси ва хulosаларидан келиб чиккан бир фикр эди ва уни тасаввуф тарихида факат у киши катта бир жасорат ва журъат билан талқин этди. Лекин бу фикрлар у даврда қабул қилинмаган, маъқул топилмаган бўлса ҳам, уларнинг ифодаси ўзига хос қаҳрамонлик тимсоли бўлганди. Мазкур фикрлар ватандошимиз ал-Ҳаким ат-Термизийнинг шайхлик даражасидан ўтиб, авлиёлик мансабини эгаллагани ва сўнг ҳатто пайғамбарликка даъвогар бўлганликлари ҳусусида ажойиб бир манба ва далилдир. Бу ҳаракат ва жасорат факат Ҳаким ат-Термизийга насиб этганди. Аммо XI аср тасаввуф таддикотчиси ал-Жуллобий ушбу даъвони тўғридан-тўғри рад этишга журъат қилган эди, балки у бу борада умумий сўзлар билан кифояланиб, хulosани китобхоннинг ўзига ҳавола этади. Мана бу олимнинг айтган фикри: “Билгилки, ҳамиша ва ҳамма вакъту соатда тариқат шайхларининг фикри шунга келишилганки, авлиёлар пайғамбарларнинг тобелигига бўладилар ва анбиёлар фозилроқ кишидурлар. Зоро,

маълумки, валоятлик ниҳояси нубувватлик ибтидоси (пайғамбарликнинг бошланиши) га олиб боради ва барча анбиёлар валидурлар, аммо авлиёлардан ҳеч ким наби бўлмагандир” .[2:303] Агар биз ал-Жуллобийнинг сўзларига синчиклаб диккат қилсак, у авлиёликнинг ниҳоясини пайғамбарликда деб билади. Бас шундай экан, ал-Ҳаким ат-Термизий шу ниҳояни босиб ўтган зот эдилар ва шунда у кишининг даъволари ҳаққоний ва тўғридир десак гўё янгишмаган бўламиз. Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки:

-Термизийнинг тасаввуфий-маънавий, илмий, фалсафий меросини ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Зоро, тасаввуф таълимоти Марказий Осиё ҳалқларининг бир неча асрлик тарихида давомида маънавий омил вазифасини бажариб келган. Шу жиҳатдан бу ҳалқларнинг ижтимоий, маданий ҳаётида тасаввуф тариқатларнинг таъсири муҳим ўрин тутган. Ҳозирда тасаввуф таълимотини илмий ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Тасаввуф таълимотини илмий ўрганиш билан бирга унинг амалий-тарбиявий жиҳатларига катта эътибор қаратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абулҳасан Али бин Усмон ал-Жуллобий ал-Ҳажвирий ал Ғазнавий. Кашф ул-махжуб. Косим Ансорий нашри. “Техрон”: 1376 ҳ.
2. Абул Ҳасан Джуллаби Али ал-Худжвири. Кашф ал-махджуб. – Л.: 1926; Караматов Х.С. Аскетические и суфийские течения в Хорасане. В кн.: Из истории суфизма: Источники и социальная практика. – Т.: “Фан”, 1991.
3. Абу Абдураҳмон Сулламий. Табакотус-суфия. Миср, 1406 ҳ. (1974)
4. Али ибн Усман аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесы . Старейший трактат по суфизму// Перевод с английского А.Орлова.М.:“Единство”, 2004.
5. Иброҳим Худоёр. Ишқ жайхуннинг йўлдоши. “Гулистан”, 2000 йил. № 5
6. Алишер Навоий. Насойимул-маҳаббат. 20 томлик, 17-том, Т. “Фан”, 2001.
7. Уватов У. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Т.: “Маънавият”, 2001.
8. Уватов У. Икки буюк донишманд (Абу Исо ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий). – Т.: Шарқ, 2005.
9. Фаридиддин Аттор. Тазқиратул авлиё. Техрон, 1373 ҳ.

“Кашф ул маҳжуб”да Ҳаким ат Термизий ва “Ҳакимийлик” тариқати ҳақида
Нарзиев З.

Резюме. Мазкур мақолада XI асрда яшаган машҳур мутасаввиф, тасаввуф назариётчиларидан бири бўлган Абулҳасан Али ибн Усмон Жуллобий Ҳужвирийнинг “Кашф ул маҳжуб ли арбоб ал қулуб” асарида буюк ватандошимиз, мутасаввиф, валий, тариқат асосчиси Ҳаким ат Термизий ва унинг “Ҳакимийлик” тариқати ҳақидаги фикрлар таҳлил килинган.

Қалит сўзлар. Ҳаким ат Термизий, “Наводир ул усул”, Ҳакимийлик, тариқат, валий, авлиё, “Насойим ул муҳаббат”, Термизий асрлари, шайх, тариқат маркази

В книге Кашф уль-Маджуб, о Ҳаким ат-Термизи и учении «Ҳакимийлик»
Нарзиев З.

Резюме: В следующей статье высказываются взгляды нашего великого соотечественника, суфийского ученого, основателя тариқата Ҳаким в Термизи и его ҳакимиия тариқата, основанного на работе «Кашф уль маҳджуб ли арбаб аль қулуб» Абулҳасана Али ибн Османа Джуллаби Ҳуджвири, который был анализируются выдающиеся суфийские теоретики суфизма, жившие в 11 веке.

Ключевые слова: Ҳаким в Термизи, «Навадир ул усул», Ҳакимия, тариқат, святой, «Насойим уль муҳаббат», работы Термизи, шейха, центр тариқата.

In the book of Kashf ul-Majub, about Hakim al-Termizi and the teaching of “Khakimiyylik”
Narziev Z.

Summary: In the following article the views of our great compatriot, sufi scholar, the founder of the tariqat Khakim at Termizi and his Hakimiyya tariqat based on the work “Kashf ul makhjoob li arbab al qulub” of Abulkhasan Ali ibn Osman Jullabi Khujviri, who was the prominent sufi, theoretician of Sufism who lived in the 11th century are analysed.

Key words: Khakim at Termizi, “Navadir ul usul”, Khakimiyya, tariqat, saint, “Nasoyim ul Mukhabbat”, the works of Termizi, sheikh, center of the tariqat.

UDK: 39 (575.1) 009

**ХОРАЗМ ВОҲАСИ, САРИҚАМИШБЎЙИ САРҲАДЛАРИДА МАДАНИЙ-ҲЎЖАЛИК
МАРКАЗЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ВА РИВОЖЛANIШ ТАРИХИДАН** (Мил.авв. IX-VI аср
биринчи ярми)

Курбанов М. А.

Урганч давлат университети

XX асрнинг 30-йиллар ўрталари - 90-йиллар мобайнида Хоразм воҳаси ва Сариқамишбўйи сарҳадларида темир даврида истикомат қилган зироаткор аҳолининг ҳаёт ва ижод уйғунлиги бўлган турар-жойлар курилиши масалалари ҳамда маданий-ҳўжалик марказларнинг вужудга келиши тарихига оид маълумотлар тадқиқотчилар нашрларида кўзга ташланмайди. Шу билан бирга, археологик тадқиқотлар қишлоқ жамоалари турар-жойлари тарихи моддий томондан ёритилган холос. Тарихий маълумотларнинг назарий-киёсий таҳлили шуни кўрсатдики, темир даври жамиятини камраб олган тарихий жараён аҳоли турар-жойлари тарихи моддий ашёларда акс этган холос. Мазкур тарихий жараён миллий мустакиллик йилларида қадимшунос олимлар томонидан аҳоли турар-жойларида олиб борилган археологик изланишлар натижаларига асосланган илмий нашрларда темир даври аҳолисининг маданий-ҳўжалик марказларини ҳосил қилиш масалалари эътиборга олинган эмас.